

Истеъмол бозори

2017 йилнинг январь-сентябрида товар айланмаси 4757,7 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 3,5 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябрь млн.сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	4757708,5	103,5	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	1406,5	130,0	-
нодавлат мулки	4756302,0	103,5	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3868819,3	102,1	81,3

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 1315,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 112,9 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 3442,5 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 0,3 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 72,4 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябрь млн. сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Товар айланмаси	4757708,5	103,5	100,0
шу жумладан:			
уюшган савдо корхоналари	1315234,4	112,9	27,6
уюлмаган савдо	3442474,1	100,3	72,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 156,5 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 83,7 фоизни ташкил қилди.